



АҲОЛИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ

Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович -
Гулистон давлат унверситети
Иқтисодиёт кафедраси уқтувчи PhD

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a5

Аннотация. Мақолада аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш мақсадида аҳолида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти, соҳага оид муаммо ва камчиликлар ўрганилди ва уларни ечими бўйича илмий-назарий асосланган таклифлар келтириб ўтилди.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, экспорт, импорт, тадбиркорлик қобилияти, иқтисодиёт, рақобатбардошлик, ташқи бозор, ёшлар ишбилармонлиги.

РОЛЬ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ АКТИВНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ
В ЭКОНОМИКЕ СТРАНЫ

Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович -
Кандидат экономических наук, преподаватель кафедры
«Экономика» Гулистанского государственного университета

Аннотация. В статье рассмотрены роль и значение предпринимательской деятельности в экономике страны, проблемы и недостатки, связанные с отраслью, с целью повышения благосостояния населения, улучшения образа жизни, поддержки предпринимательской активности населения, а также представлены научно обоснованные предложения по их решению.

Ключевые слова: предпринимательство, малый бизнес, семейное предпринимательство, экспорт, импорт, предпринимательские способности, экономика, конкурентоспособность, внешний рынок, молодежный бизнес.

THE ROLE OF THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITY IN THE
POPULATION IN THE COUNTRY'S ECONOMY

Yusufaliyev Olimjon Abdurahmanovich -
teacher of the Department of Economics,
Gulistan State University PhD

Annotation. This article examined the role and importance of entrepreneurial activity in the country's economy, problems and shortcomings related to the industry in order to increase the well-being of the population, improve lifestyle, support of entrepreneurial activity in the population, and provided scientifically-based proposals for their solution.

Keywords: entrepreneurship, small business, family entrepreneurship, Export, import, entrepreneurial ability, economy, competitiveness, foreign market, youth business.

Кириш. Ўзбекистонда ҳозирги кунда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз ислохотларни чуқурлаштириш тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш, мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқариб, халқ турмуш фаровонлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг замонавий тузилмаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим ўринга эга. Жаҳон миқёсида меҳнат бозорини такомиллаштириш мазкур бозор-

ни фаоллаштиришга қаратилган тадбиркорликни рағбатлантириш, аҳоли бандлиги даражасини оширишга субсидиялар ажратиш ва жамоат ишлари дастурини амалга оширишни тақозо этади. Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат иқтисодиётдаги маълум бир бўшлиқларни тўлдиради, балки уни диверсификация қилиш ва барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ва қўллаб-қувватланиши натижасида, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бориши таъминланмоқда.

Тадбиркорлик муҳити мамлакатнинг ривожланиш асосини ташкил этади ва ишбилармон кишиларнинг фаолият мазмунини белгилаб

беради. Иқтисодий жараёнлар қанчалик унумли бўлса, жамият моддий ва маънавий жиҳатдан шунчалик юқори даражада бўлади. Иқтисодий жараёнларнинг самараси амалда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг сони ва сифати ҳамда шу фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган кишилар сони билан белгиланади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик ишига янги тадбиркорларни жалб этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳоли яшаш даражасини яхшилашга олиб келади.

Сўнгги йилларда аҳолида тадбиркорликни ривожлантириш учун бозор механизмининг сезиларли даражада кучайтириш бўйича энг муҳим чоралар кўриб чиқилмоқда. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, тадбиркорларни хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустақамлаш, маҳаллий товар ва хизматларни ташқи бозорга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминлаш ва Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улушини етарли даражада ошириш кўзда тутилмоқда.

Лекин бугунги кунда Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини эътиборга олсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади.

Мамлакатимиз аҳолисининг тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланиб бораётган бўлса-да, мазкур соҳани янада ривожлантириш йўллари аниқлаш ва устувор йўналишларини белгилаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз учун бозор иқтисодиёти субъектларининг тадбиркорлик фаолияти масалалари янгилик эмас, республикамиз учун янгилик иқтисодиётни бозор қонунлари талаблари асосида шакллантириб, ишлаб чиқаришни эркин рақобат муҳитида олиб бориш имконсиз бўлиб қолади.

Тадбиркорлик аҳолининг мавжуд иқтисодий, табиий, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятларини оқилона сарфлаб, самаралироқ натижаларга эришиши билан тавсифланади. Шунингдек, у бозор муносабатлари ривожланиши охири оқибатида иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Россиялик олима Т.Е. Родинанинг фикрича, ривожланаётган мамлакатларда аҳоли тадбиркорлигининг улуши ўртача 33 фоизи ёки ундан юқори

кўрсаткични ташкил этиши мамлакат иқтисодиётида сезиларли силжишларга йўл очади. Россияда эса уларнинг улуши ЯИМнинг бешдан бир қисмини эгаллайди [1]. Й.Шумпетернинг фикрича, “аҳоли тадбиркорлигини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш омиллари негизда комбинациялашган тарза ривожлантириш, иқтисодиётда инновацион ғоялар оқимининг ортишига, янгиликларни қўллаш имкониятини оширади” [2].

Рус иқтисодчи олимларидан Ф.И.Шахматовнинг фикрича, “аҳоли тадбиркорлиги мустақил иқтисодий фаолият сифатида инвестиция ва хавф-хатар билан боғлиқ бўлиб, фойда ёки бошқа кўшимча даромад олишдир” [3], деб таърифласа, Ю.С.Мухин эса “мамлакат аҳолисининг тадбиркорлиги иқтисодий тараққиёт омилларидан бири ва у фуқороларни ёки хўжалик юритувчи турли мулкчилик шаклига асосланган таркибларнинг мустақил фаолиятидан ташкил топган тизим” [4], деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда иқтисодчи олимларидан С.С.Фуломовнинг “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” номли ўқув қўлланмасида кичик бизнеснинг иқтисодий ўсишга таъсирини ифодалашга яқин фикрлар билдирилган. Тадбиркорлик муҳитига ички ва ташқи омилларнинг таъсири ва уларнинг ўзгарувчанлиги тўғрисида қисқа фикр берилган. Аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишида, кўпроқ импорт товар ва хизматлар ҳажми таъсир этиши [5] келтириб ўтилган.

Иқтисодчи. В.Гафуровнинг диссертациясида кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, ишбилармонлик муҳитини кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини оширишга доир масалаларга эътибор қаратилган. Бундан ташқари, бир қатор республикамиз олимларининг илмий ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий, ҳудудлар тармоқ муаммолари, инфратузилма объектларини моделлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари аҳолининг фаровонлигига таъсири тадқиқ этилган [6].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мақолада аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, аҳолининг фаровонлигини таъминлашда тадбиркорликни ривожлантириш унинг аҳоли фаровонлигига таъсири ўрганилган. Тадқиқотимизда, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб боровчи асосий йўналишлар белгиланган. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти мисол қилиб олинган.

Таҳлил ва натижалар. Аҳоли тадбиркорлиги ривожлантириш кўп омилларга, биринчи

навбатда, тадбиркорнинг билими, тажрибаси ва ишбилармонлигига боғлиқ. Бугунги куннинг тадбиркори менежмент, раҳбарлик усуллари асослари, иқтисодий масалалар бўйича бизнесни режалаштириш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, чиқимларни камайтириб, фойдани кўпайтириш, шунингдек, ҳуқуқ ва психология соҳаси сингари билимларни эгаллаши зарур. Чунки замонавий ишлаб чиқариш жуда мураккаб, техника воситалари ва технологиялар мутасил такомиллашиб бормоқда.

Ёшлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам катта куч. Республикада 2021 йилда 230 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермерлар, мохир хунармандлар фаолият юритмоқда[8]. Уларнинг сафи янада кенгайиши учун давлат томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Фақатгина “Ёшлар – келажагимиз” дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 8 мингтага яқин бизнес лойиҳасига 1 триллион 630 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди, натижада 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди[9]. Ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ривожлантириш мақсадида Президент қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[9] қарорида белгиланган топшириқлар ижроси аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар ҳамда бизнес соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари сифатида хизмат қилади. Жумладан қарорда аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, микромолиялаш тизимини такомиллаштириш, тадбиркорликни давлат томонидан қўл-

лаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда ягона давлат ташкилоти томонидан мувофиқлаштириб бориш назарда тутилган.

Мазкур қарорда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш “Назорат режаси”нинг 5-бандида “Микрокредитбанк” АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган, тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади. Микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади[7].

Бундай кредитлар 3 йил имтиёзли даври билан 7 йил муддатга берилади. Банк томонидан ушбу мақсадлар учун келгуси йилда 45 миллион долларлик микрокредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, фермер ва деҳқон хўжалиklarини қўшмаганда тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 408 мингтага етган. Шундан 90 минг 161 таси хусусий корхонадир. Эътиборлиси, хусусий корхоналар сони бўйича пойтахтдан кейинги ўринларни меҳнат ресурслари нисбатан юқори бўлган Фарғона, (11 061 та), Қашқадарё (9 200 та), Наманган (7 188 та) вилоятлари банд этди[7]. Бу эса ушбу ҳудудларда ёшлар бандлигини таъминлашда жиддий силжишлар бўлишига катта умид уйғотади ва шу билан бирга аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга хизмат қилади.


1-жадвал

Тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги асосий кўрсаткичлари ҳажми[7]

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Саноат (млрд.сўм)	50654,5	61367,8	87962,0	83344,2	103020,8	121719,2	142611,7
Қурилиш (млрд.сўм)	19671,0	22469,4	37451,7	53960,9	63866,6	77762,0	93620,8
Бандлик (минг киши)	10397,5	10541,5	10128,8	10318,9	9865,7	10070,7	10321,8
Экспорт (млн.АҚШ.дол)	3139,2	2759,3	3810,8	4714,8	3100,9	3711,2	5696,2
Импорт (млн.АҚШ.дол)	5676,8	7511,9	10916,2	14972,2	10943,3	12389,0	15154,1
Савдо (млрд.сўм)	78935,6	92973,0	114896,4	138920,7	164106,1	204787,4	253573,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (млрд.сўм)	118011,4	152010,5	191759,2	219466,9	253238,2	307280,2	347222,0
Хизматлар (млрд.сўм)	61346,2	69212,7	84433,4	103106,6	114052,7	144812,7	173157,7
Юк ташиш (млн.тонна)	538,6	548,8	611,7	641,0	638,9	678,9	588,1
Юк айланмаси (млн.тонна-км)	10072,4	10444,4	11657,7	12152,3	12304,6	13108,1	14394,9
Йўловчи ташиш (млн.йўловчи)	4866,5	5037,5	5242,6	5345,0	4904,8	5237,6	5606,0
Йўловчи айланмаси (млн.пасс.км)	107789,7	111435,0	115335,2	117412,7	107766,7	114681,5	123882,5

Жадвал маълумотлари асосида айтиш мумкинки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барча соҳалар бўйича ривожланиб бормоқда. Биргина саноатни оладиган бўлсак, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 20892,5

млрд. сўмга ёки 17,2 %га ўсганини, 2017 йилга нисбатан оладиган бўлсак, 81243,9 млрд. сўмга ёки 132,4 %га ўсганини кўришимиз мумкин[11]. Бу албатта катта натижадир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг соҳалар бўйича улуши ҳам ортиб бормоқда.



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши %да[11]

1-расмда кўриниб турибтики, тадбиркорликнинг улуши саноатда сезиларли даражада тушган, аммо 1-жадвал маълумотларига асосланган ҳолда келтириб ўтиш мумкинки, саноатда тадбиркорликнинг улуши камайгани билан ҳажми ошиб борган. Импорт маҳсулотлар ҳажмида ҳам сезиларни кўрсаткичларни кузатиш мумкин. Аммо ЯИМ ҳажмида 15 %га тушиш кузатилмоқда. Бу албатта салбий ҳолат. Демак, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришда янада кенгроқ имкониятларни ўрганишимиз керак.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, жорий йилда ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг 37,0 фоизи савдо, 20,7 фоизи саноат, 16,9 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 6,7 фоизи эса қурилиш соҳалари ҳиссасига тўғри келди [7].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2021 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлатнинг фаол ижтимоий дастурлари доирасида умумий қиймати 6,1 трлн. сўмга тенг бўлган жами 214 мингдан ортиқ бизнес лойиҳаларга тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилган. Ажратилган кредит маблағларининг 41 фоизи (2 трлн. 479 млрд. сўм) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига (ЯТТ), 59 фоиз улуши эса (3 трлн. 599 млрд. сўм) ўз ўзини банд қилувчи жисмоний шахсларга ажратилган[7].

Таҳлиллар кўрсатишича, ажратилган кредит маблағларининг 78 фоизи (4,8 трлн. сўм) давлатнинг “Ҳар бир оила – тадбиркор” фаол ижтимоий ҳимоя дастури доирасида амалга оширилган. Мазкур маблағларнинг 1,6 трлн. сўмдан ортиқроқ қисми мамлакатда хотин қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга, 1,8 трлн. сўмдан ортиқ қисми эса ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди [10].

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларига берилаётган эркинликлар тизимини кенгайтириш ва уларнинг мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятидаги тутган ўрнини мустақамлашга қаратилган дастурлар ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатадики, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришда уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, кичик корхонларга инновацияларни жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган янги тизимнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бу турдаги ислохот дастурларига устуворликнинг қаратилиши мамлакатимизда кичик инновацион бизнесни ривожлантириш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун замин яратади.

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида аҳоли тадбиркорлигини янада ривожлантириш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қуйидагича хулосага келиш мумкин:

- республикамиз вилоятларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият бошқаруви томонидан аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш, ишлаб чиқариш ва истеъмол товарлари вилоят аҳолисининг иқтисодий ҳолатларини эътиборга олган ҳолда нархлар асоссиз ошишининг олдини олиш зарур;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришдан асосий мақсад нафақат аҳолини иш билан бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида маҳаллий саноат тармоқларини ривожлантириш, балки мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ҳам оширишдир;

- вилоят туманлари бўйича аҳолининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишда, таҳлил қилиш ва туманларда аҳолининг кичик бизнес ва тадбиркорлик йўналишлари бўйича туманлардаги унинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи вилоятнинг ўртача кўрсаткичларидан паст ва унинг асосий сабаблари маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланмаслиги, инвестиция тушумларининг турли даражада эканлиги, зарур хомашё билан таъминланмаганлиги, хорижий инвестициялар тушуми талаб даражасида эмаслиги кредитга тўланадиган фоизлар юқорилигидир;

- вилоятларда кичик бизнес шаклида аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш кам инвестиция маблағларини талаб этиб, уларнинг бозор конъюнктура-си талабларига тез мослаша олишига имкон беради;

- ишлаб чиқариш жараёнида, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омиллар ўзаро боғлиқликда амалга оширилиши унинг самарали инқирозсиз ривожланишини таъминлайди;

- тадбиркорлик субъектларини қишлоқ жойларида, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда жойлаштириш бозор иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва ишлаб чиқариш кучларини иш ўринлари билан таъминлаш, маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш-ни таъминлайди;

- аҳоли тадбиркорлик фаолиятининг хусусияти ва турларига кўра, ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва маслаҳат тадбиркорлигидан иборат бўлиб, улар мустақил субъект сифатида бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро боғлиқликда фаолият юритишлари зарур. Бунинг учун вилоят туманларида инновацион молиялаштириш, пул-кредит, ахборот, консалтинг, франчайзинг, инжиринг ва лизинг хизматлари тадбиркорлигини рақобат асосида ташкил этиш зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Родина Т.Е. «Реализация национального проекта «малое и среднее предпринимательство и поддержка индивидуальной предпринимательской инициативы» в России». /Сборник тезисов докладов участников научно-практической конференции на тему «Инновационные направления интеграции науки, образования и производства». – Керчь: ФГБОУ ВО «КГМУ», 2020. – 329-331с.
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М., 1982. – С. 159.
3. Шахмалов Ф.И. Взаимодействие предпринимательских и властных структур: вопросы теории и практики. Автореферат диссертации доктора экономических наук. – Санкт-Петербург, 1998. С. 34.
4. Мухин Ю.С. Предпринимательство в рыночном хозяйстве: региональные аспекты его регулирования, 2015. – 165 с.
5. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: ТДАУ, 1998.
6. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дисс. – Т., 2017. – 309 б.
7. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
8. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-yoshlar-tadbirkorligini-qollab-quvvatlash-va-rivojlantirishda-amalga-oshirilayotgan-islohotlar-samarasi>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
10. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизим жорий этилади. - <https://www.pv.uz/uz/news/budet-vnedrena-novaja-sistema-razvitija-malogobiznesa-i-predprinimatelstva>
11. Муаллифнинг илмий изланишлари натижасида ишлаб чиқилди.